Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2015-yil 28-aprel, seshanba, № 52 (3557)

“Менинг энг катта ишончим ва умидим — бугунги замонавий билим ва тарбия олаётган, эндигина кучга кираётган ёшларимиз, фарзандларимиздир.”

Ислом КАРИМОВ

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ – АМАЛДА

ФАРҒОНА ЁШЛАРИГА ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАСИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 24 йиллигига бағишлаб “Биз — буюк юрт фарзандларимиз!” шиори остида ўтказилган фестивалда фарғоналик ёшларга Президентимиз совғаси — иккита “ISUZU” автобуси топширилди.

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ва вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган фестивал доирасидаги тадбирларда сенаторлар, депутатлар, олим ва ижодкорлар, санъаткорлар ҳамда ёшлар иштирок этди.



Мустақиллик йилларида баркамол авлодни тарбиялашга давлат сиёсати даражасида устувор аҳамият қаратилмоқда. Президентимизнинг фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт, деган теран маъноли сўзларида мамлакатимизда ёш авлодни тарбиялашга қаратилган давлат сиёсатининг мазмун-моҳияти ўз ифодасини топган. Зеро, ўз олдимизга қўйган буюк мақсадларга эришишимиз, мамлакатимизнинг келажаги, аввало, ёшларимизга боғлиқ. Шу боис ҳам ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг замонавий илм-фан, касб-ҳунар сирларини пухта ўзлаштириши учун барча шароитни яратиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистонда 2015 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури ҳам ушбу йўналишдаги ишлар самарадорлигини оширишда муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилаётир.

(Давоми 2-саҳифада).

СЎЗ – ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган “Фуқароларнинг муносиб меҳнат шароитларига бўлган ҳуқуқлари кафолатларини таъминлашда касаба уюшмаларининг роли: Ўзбекистон тажрибаси” мавзусидаги халқаро конференция қатнашчилари Тошкент шаҳрининг диққатга сазовор жойларини кўздан кечиришди, шунингдек, кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанд ва Хива шаҳарларида саёҳатда бўлишди.

МАФТУНКОР ДИЁР ҲАЙРАТЛАРИ

Артурас ЧЕРНЯУСКАС,
Литва касаба уюшмалари Конфедерацияси раиси:

— Юртингиздаги ўзгаришларга, бунёдкорликка ҳавас қилса арзийди. Бир неча кун мобайнида Тошкент шаҳрининг диққатга сазовор жойларини томоша қилдик. Меҳнат жамоаларида бўлиб, яратилган шарт-шароитлар билан танишдик.

Айниқса, автобусда шаҳар бўйлаб қилган сайёҳатим жуда мазмунли бўлди. Замонавий ва ўзига хос миллий архитектурани ўзида мужассам этган бетакрор иншоотлар киши кўзини қувнатади. Яшилликка бурканган Тошкент нафақат замонавий шаҳар, балки шарқона миллийлик уфуриб турган, одамлари самимий гўша сифатида ҳам эътирофга лойиқ.

Харри ТАЛИГА,
Халқаро меҳнат ташкилоти эксперти:

— Ўзбекистонни сеҳрли диёрга бежиз менгзашмайди. Бу ерда одамни ўзига тортадиган нимадир бор. Барқарор ривожланаётган юртингизнинг қатор ҳудудларида бўлганман. Жумладан, Тошкент юртингиз пойтахти сифатида жадал чирой очаётган мегаполис, шу билан бирга ўзига хос шаҳарсозлик анъаналари ҳам сақланиб қолган. Бу эътиборга лойиқ жиҳат.

Шунингдек, Самарқанд ҳам мени ҳамиша ўзига тортиб келади. Бу шаҳарни такрор-такрор кўрсам-да яна кўргим келаверади. Халқаро анжуман боис яна муаззам шаҳар дийдорига ошиқдим. Авлодлар қудратини, ақл-у заковатини ўзида мужассам этган миноралар, маданий-тарихий иншоотлар мўъжизанинг ўзгинаси. Бу диёр ана шундай суюкли, қадрли.

Лаззат ЕСЖАНОВА,
Қозоғистон Республикаси Акмола вилояти маданият, санъат, оммавий ахборот воситалари, туризм ва спорт ходимлари касаба уюшмаси раиси:

— Ўзбекистон касаба уюшмалари билан яқиндан ҳамкормиз. Айниқса, туризм йўналишидаги алоқаларимиз ривожланиб бораётир. Ўтган йил “Касаба сайр” шўъба корхонаси ташаббуси билан бир гуруҳ Қозоғистон касаба уюшмаси фаолларининг Тошкент ва Самарқандга саёҳати уюштирилди. Ҳамкасбларим юртингиздаги ўзгаришларни оғзидан бол томиб гапириб берди. Менда ҳам Ўзбекистонни, қадим Самарқандни кўриш истаги пайдо бўлди. Халқаро конференция боис бу бахтга муяссар бўлдим.

Самарқандга ер юзининг сайқали дея бежиз тариф берилмаган экан. Мени бу маскан тамомила ўзига ром қилди. Жонли тарихни кўриш истагида бўлган одам ушбу шаҳарга келсин. Истиқлол йилларида бунёд этилган иншоотлар ҳам ҳайратимга сабаб бўлди.

Чжан ЦЗЯНЬГО,
Бутунхитой касаба уюшмалари Федерацияси жамоа музокаралари департаменти мудири:

— Буюк Ипак йўлида жойлашган қадимий ўлкангиз дунё халқлари нигоҳида. Бу ердаги бой маданий-тарихий обидалар, замонавий шаҳарсозлик кишини ўзига жалб этади. Биз Самарқандга замонавий “Афросиёб” поездида бордик. Йўл-йўлакай обод манзиллар, бебаҳо табиат манзараси қулфи дилимизни очиб юборди.

Дунё тамаддуни бешикларидан бири, марварид шаҳар мени мафтун этди. Кўҳна Регистон, фалакиёт илми султони Мирзо Улуғбек расадхонасидан олам-олам таассуротлар олдим. Ўтмиш ва келажакни ўзида мужассам этган диёр ҳақидаги ҳаётий эртак кўз ўнгимда намоён бўлди. Қадимий шаҳардаги Афросиёб музейи лол қилди мени... Қаранг, қанчалик бой тарих. Халқингизнинг ўтмишни авайлаб, келажак авлодларга бус-бутун етказаётганига тасаннолар айтаман.

Вольфганг ЛЮТТЕРБАХ,
ХМТнинг меҳнаткашлар фаолияти бўйича Бюроси Европа бўлимининг катта мутахассиси:

— Ўзбекистонга боришимизни айтишганда, тўғриси, бироз ҳаяжонландим. Боиси бу ернинг инсонлари қандайлиги-ю, обҳавоси, шароити ҳақида жуда кам маълумотга эга эдим. Юртингизга келишим билан мени қийнаётган саволлар барҳам топди. Иқлимига гап йўқ, сокин шамолини айтмайсизми, серқуёш ўлка деб бежизга айтишмаган экан. Инсонлари ҳам самимий ва ҳушчақчақ. Хивани томоша қила туриб, бир нечта қарияга кўзим тушди. Улар бир-бири билан шунчалик мириқиб суҳбат қуришяптики, кўрган кўз қувонади. Ҳеч қаерда бунақанги ёруғ чеҳрали нуронийларни учратмаган эдим. Юз-кўзларидан билиниб турибдики, улар тинч ва обод юртда яшаётганларидан бахтиёр.

Хивадаги қўл меҳнати билан яратилган буюмлар, сопол идишлари-у, нақшинкор бинолар ҳайратимга ҳайрат қўшди.

Марлис ДААН,
“IG Metal” (Германия) саноат касаба уюшмаси матбуот котиби:

— Урганч шаҳрининг гўзаллиги мени ўзига ром этди. Эшитишимга қараганда, бу ерда яқинда қурилиш ишлари бошланган ва ҳали-ҳамон давом этаётган экан. Кенг ва равон йўллар, улар четига экилган гуллар шаҳар кўркига янада кўрк қўшмоқда. Бизни миллий кийимда кутиб олган қизларнинг самимий ва очиқ чеҳраси мафтун этди. Таомларингиз ҳам жуда ширин экан. Палов ҳақида эшитган бўлсам ҳам уни еб кўришга улгурмагандим. Менга бу таом жуда манзур бўлди. Ҳатто унинг қандай тайёрланишини билиб олдим.

Инсонлар юзига қарасангиз ҳаётдан мамнунлиги билиниб турибди. Шундай тинч ва обод юртда яшашнинг ўзи бахт, менимча. Бозорларингиз гавжум, ундаги нозу-неъматлар эса кишини беихтиёр ҳайратга солади. Шаҳрингиз тинч ва осуда экан. Ҳамма нима биландир банд. Кўриниб турибдики, халқингиз тиришқоқ ва чуқур билимга эга. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон мени ўзига ром этди, келгусида яна келишни ният қилдим.

Ўз мухбирларимиз

ИСЛОМ КАРИМОВ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЭТИБ САЙЛАНГАНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҚУТЛОВЛАР

Мамлакатимизда 2015 йил 29 март куни бўлиб ўтган сайловда Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангани муносабати билан хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, хорижий мамлакатларнинг таниқли жамоат арбоблари номидан самимий тилаклар билдирилган қутловлар келиши давом этмоқда.

Жумладан:

Испания Қироли — **Фелипе VI**

Испания Қироллиги ҳукумати раиси — **Мариано Рахой**

Бельгияликлар Қироли — **Филипп**

Сербия Республикаси Президенти — **Томислав Николич**

Бразилия Федератив Республикаси Президенти — **Дилма Вана Руссефф**

Куба Республикаси Давлат кенгаши ва Вазирлар кенгаши раиси — **Рауль Модесто Кастро Рус**

Қувайт Давлати Миллий мажлиси раиси — **Марзук Али ал-Ғоним**

Васеда университети президенти — **Каору Камата**

табрик йўллаган.

Қутловлар келиши давом этмоқда.

СУҲБАТ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимида “Энг намунали бошланғич ташкилот” Республика кўрик-танловини ўтказиш анъанага айланган бўлиб, асосий мақсад фаолияти намунали йўлга қўйилган бошланғич ташкилотларни аниқлаш ҳамда рағбатлантириш, илғор иш тажрибаларини оммалаштириш, корхона, ташкилот ва муассасаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда уларнинг иштирокини таъминлаш, касаба уюшма фаолларининг малакасини ошириш, ижодкорлик қобилиятини шакллантириш, ёшларни касаба уюшма ташкилотлари фаолиятига кенг жалб этишдир.

КЎРИК-ТАНЛОВ

ЭНГ НАМУНАЛИ БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАРНИ АНИҚЛАБ БЕРАДИ

ЎзКУФК ташкилий ишлар бўлими мудири, “Энг намунали бошланғич ташкилот” кўрик-танловини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича Республика комиссияси масъул котиби Равшанбек САМАРБЕКОВ билан суҳбатимиз ушбу танлов ҳақида бўлди.

— Аввало, республика кўрик-танловини ўтказиш ғояси ва унинг самарадорлиги ҳақида қисқача гапириб берсангиз.

— Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг V Қурултойидан сўнг ўтган даврда бошланғич касаба уюшма ташкилотларининг корхона, ташкилот ва муассасаларда тутган ўрни ва мавқеини янада ошириш, ижтимоий аҳамиятга эга ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, самарали фаолият кўрсатиши учун зарур меъёрий-ҳуқуқий асослар ва шарт-шароитлар яратиш соҳасида тизимли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Жумладан, 2011 йилдан бошлаб ҳар икки йилда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги бошланғич касаба уюшма ташкилотлари ўртасида “Энг намунали бошланғич ташкилот” республика кўрик-танловининг ташкил этилиши соҳада қўйилган муҳим қадамлардан бири бўлди.

Кўрик-танлов туфайли корхона, ташкилот ва муассасаларда ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, уларга етарлича меҳнат ва маиший шароитларни яратиб бериш, жамоа шартномаларида бєлгиланган имтиёзлардан барча ходимлар бирдек фойдаланиши, шунингдек, касаба уюшма қўмиталари фаолиятининг ошкоралиги масалаларига бошланғич ташкилотларнинг эътибори кучайди.

(Давоми 2-саҳифада).

ТУҲФА

МАДАНИЯТ МАСКАНИ

Қонликўл тумани Қосжап ОФЙ ҳудудида мукаммал таъмирдан чиқарилган маданият ва аҳоли дам олиш маркази биноси фойдаланишга топширилди.

Қишлоқ аҳолисига яратилган қулайлик ва имкониятлардан барча мамнун. Айниқса мактаб ёшидаги ўғил-қизларнинг қувончи чексиз. Ҳеч қанча фурсат ўтмасдан дутор ва рақс йўналишидаги тўгаракларга 42 нафар иқтидорли бола аъзо бўлди. Маданият муассасасида замонавий 150 ўринли зал, сўнгги русумдаги тикув машиналари билан жиҳозланган махсус хона, хореография заллари мавжуд.

— Келгусида рассомлик ва наққошлик йўналишида ҳам тўгараклар ташкил этиш ниятидамиз, — дейди туман маданият ва спорт ишлари бўлими мудири Гулмира Тожиддинова. — Ёшларимиз бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун маданий-маърифий тадбирлар, учрашувлар, спорт мусобақалари ўтказишни режалаштирганмиз.

Маданият ва аҳоли дам олиш маркази ишга туширилгач, тўққиз нафар одам иш билан таъминланди. Бино атрофини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш мақсадида 200 дан ортиқ манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди.

Ортиқбой МАМУТОВ,
“Ishonch” мухбири

ЖАСОРАТ, БУРЧ, МАТОНАТ

Умумхалқ байрами — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Сурхондарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан “Жасорат, бурч, матонат” шиори остида турли маърифий тадбирлар ташкил этилиб, кексалар, айниқса, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатилмоқда.

МУНОСИБ ЭҲТИРОМ

Қумқўрғон туманида яшовчи 92 ёшли Абдураҳмон бобо Чориевга “Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги” эсдалик юбилей медали байрамона тарзда тақдим этилаётган бир пайтда унинг хонадонига касаба уюшма фаоллари ҳам ташриф буюриб, 300 минг сўмлик пул мукофотини топширишди.

(Давоми 3-саҳифада).

Ishonch

2015-yil 28-aprel, seshanba, № 52 (3557), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ФАРҒОНА ЁШЛАРИГА ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАСИ ТОПШИРИЛДИ



(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

“Биз — буюк юрт фарзандларимиз!” шиори остида ўтказилган фестивал” барча шаҳар ва туманларда ёшларнинг катта шодиёнасига айланди. Фестиваль доирасида мактаблар, коллеж ва лицейларда, “Меҳрибонлик” уйларида “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!”, “Сиз севган қаҳрамонлар”, “Оммавий маданият” ва ёшлар маънавияти”, “Депутат ва ёшлар”, “Ҳоким ва ёшлар», “Замонамиз қаҳрамонлари” мавзуларида таниқли шоир ва ёзувчилар, кино ва театр актёрлари билан учрашувлар, китобхонликни кенг тарғиб қилишга қаратилган лойиҳалар, спорт мусобақалари ташкил этилди. “Камолот” кутубхонаси”, “Президентимиз асарлари билимдони” лойиҳалари эса ёшларнинг янада ягона мақсад сари бирлашишида муҳим аҳамият касб этди.

— Мамлакатимизда ёш авлод камолоти йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар, ёшларга қаратилаётган улкан эътибор ва ғамхўрлик замирида буюк давлат барпо этишдек олижаноб мақсад мужассам, — дейди Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Мирза Азизов. — Мана бундай тадбирлар келажагимиз эгаларини Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларни турли маънавий таҳдидлардан асрашда муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида барпо этилаётган замонавий таълим муассасалари, муҳташам спорт ва мусиқа иншоотлари ёшларнинг ҳеч кимдан кам бўлмасдан вояга етишига хизмат қилмоқда.

Дарҳақиқат, ташкил этилаётган фестивал ва бошқа турли маънавий-маърифий тадбирлар ёшларимизнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларга муносабатини шакллантириш, миллий қадрият ва урф-одатларимизга ҳурматини кучайтириш, дунёқарашини кенгайтиришга кўмаклашмоқда. Миллий менталитетимизга ёт бўлган турли таҳдидлар, айниқса, “оммавий маданият”дан ҳимоя қилиш ва иллатларнинг салбий оқибатларини кенг тушунтириш борасида олиб борилаётган тарғибот ишлари самарадорлигини оширишга хизмат қилаётир.

— Фестивалда тенгдошларимиз билан фаол иштирок этдик, — дейди Фарғона давлат университети талабаси Гулчеҳра Жиянова. — Оммавий таҳдидлар ва ёшлар маънавияти, одам савдоси ва унинг салбий оқибатлари, ахборот хуружлари ва улардан ҳимояланишга оид долзарб мавзулардаги мулоқотлар ҳуқуқий билим ва дунёқарашимизни янада мустаҳкамлашга ёрдам берди.

Таниқли санъаткорлар ва ёш ижрочилар иштирокидаги гала-концерт барчага кўтаринки кайфият бағишлади. Фестивал доирасида фарғоналик ёшларга Президентимиз совғаси — иккита “ISUZU” автобуси топширилди.

“Энг яхши ҳуқуқ тарғиботчиси”, “Энг яхши маънавият тарғиботчиси” ҳамда “Энг яхши соғлом турмуш тарзи тарғиботчиси” номинацияларида ғолиблар аниқланиб, ташкилотчилар томонидан рағбатлантирилди.


Тадбирда Фарғона вилояти ҳокими Ш.Ғаниев сўзга чиқди.

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎзА мухбири.

ЎзА фотомухбири
Муқимжон ҚОДИРОВ олган суратлар

КЎРИК-ТАНЛОВ

ЭНГ НАМУНАЛИ БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАРНИ АНИҚЛАБ БЕРАДИ



(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Аввалги йиллар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда баъзи бир назардан четда қолган жиҳатлар ҳам ўз ечимини топмоқда. Жумладан, 2011 йилда кўрик-танлов республика финал босқичини ўтказиш ва ғолибларни рағбатлантиришга асосий урғу берилган бўлса, 2013 йилда унинг қуйи босқичларида ҳам ғолиблар тақдирланиб, 2,5 мингдан ортиқ бошланғич ташкилот раисларининг ўзаро тажриба алмашиши учун намунали бошланғич ташкилотларга ташрифлари ташкил этилди.

Бошланғич ташкилотларнинг кўрик-танловга бўлган қизиқишини орттириш ва уларни оммавий равишда жалб қилиш мақсадида 2013 йили кўрик-танловнинг республика финал босқичида қатнашган, аммо ғолибликни қўлга киритмаган барча бошланғич ташкилотлар Федерация Кенгашининг, қуйи босқичларда иштирок этган бошланғич ташкилотлар эса тегишли касаба уюшма органларининг рағбатлантирувчи мукофотлари билан тақдирланди.

Кўрик-танловнинг қуйи босқичлари ва республика финал босқичида ғолибликни қўлга киритган бошланғич ташкилотлар фаолиятини оммалаштириш мақсадида уларда бошқа бошланғич ташкилотлар раислари учун амалий машғулот ва семинарлар уюштириш йўлга қўйилди.

— Кўрик-танловларни такомиллаштириб бориш муҳим аҳамият касб этади. Шунга кўра, жорий йилги янгиликлар хусусида тўхталиб ўтсангиз?

— Жорий йилда касаба уюшма ташкилотларининг асосий устав вазифалари ҳамда Федерациянинг охирги Қурултойида белгилаб олинган устувор йўналишлардан келиб чиққан ҳолда кўрик-танловни ўтказиш тизими янада такомиллаштирилди.

Биринчидан, кўрик-танловда барча бошланғич ташкилотнинг фаол иштироки таъминланишига, улар фаолияти ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида эришган аниқ натижаларига қараб баҳоланишига алоҳида эътибор қаратилади.

Яъни, бошланғич ташкилотларнинг жамоа шартномаларини замон талабидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш, унинг тўлиқ бажарилишини таъминлаш ва йилда камида бир марта меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши (конференцияси)да муҳокама этиш, меҳнат ва меҳнат муҳофазаси масаласида жамоатчилик назоратини амалга ошириш, корхона (ташкилот, муассаса)да ходимлар учун зарур меҳнат ва маиший шароитни яратиб бериш, меҳнат муносабатларининг тартибга солинишида фаол иштирок этиш, касаба уюшма аъзоларининг ҳуқуқий саводхонлиги, маданиятини юксалтириш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб қилиш, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш ишларини намунали ташкил этиш каби йўналишлардаги ишлари мезон талабларига мувофиқ холис ва ҳаққоний баҳоланади.

Иккинчидан, аввалги йилларда ўтказилган кўрик-танлов жараёнида бошланғич ташкилотлар томонидан билдирилган таклифлар эътиборга олиниб, бу йилги кўрик-танлов аъзолар сони 100 нафаргача бўлган бошланғич ташкилотлар ҳамда 100 нафардан ортиқ бўлган бошланғич ташкилотлар ўртасида алоҳида-алоҳида ўтказилади. Шунингдек, танловнинг якуний финал босқичида ғолиблар икки йўналишда — ижтимоий соҳада фаолият олиб бораётган корхона, ташкилот ва муассасалардаги бошланғич ташкилотлар бўйича ҳамда саноат ва ишлаб чиқариш соҳасида фаолият олиб бораётган корхона, ташкилотлардаги бошланғич ташкилотлар бўйича алоҳида аниқланади.

Учинчидан, аввалги кўрик-танловлардан фарқли равишда, бу йилги кўрик-танловнинг барча босқичларида мазкур босқични ўтказаётган касаба уюшмаси органларининг комиссиялари ташкил этилиб, фаолият шу комиссиялар томонидан холис ва ҳаққоний баҳоланиши лозим.

Танловнинг биринчи босқичи жорий йил апрел-май ойларида корхона, ташкилот ва муассасалардаги бошланғич касаба уюшма ташкилотлари ўртасида ўтказилмоқда. Унда, аъзолар сонидан қатъи назар, барча тармоқ касаба уюшма бошланғич ташкилотлари иштирок этиши мумкин. Кўрик-танловнинг якуний босқичи Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан ўтказилади ҳамда ғолиблар муносиб тақдирланади.

Мазкур кўрик-танловда қатнашиш учун бошланғич ташкилотлар танлов Низомига биноан тармоқ касаба уюшмалари туман (шаҳар) кенгашлари, бирлашган қўмиталари, ҳудуд бўйича масъул ташкилотчилари, Республика кенгашларига мурожаат қилиши мумкин.

— Айни пайтда ташкилотчиларга берилган ҳар қандай ёрдам ёки маслаҳат ўта муҳим. Шу маънода мутахассис сифатида уларга қандай тавсиялар берган бўлардингиз?

— Танлов қуйи босқичлари ташкилотчиларига, биринчи навбатда, танлов низоми ва баҳолаш мезонларини барча даражадаги бошланғич ташкилотларга етказиш билан бирга, унинг шартлари, танлов комиссиясига тақдим этиладиган ҳужжатларни тайёрлаш бўйича тавсияларни етказиш лозим. Шу билан бирга, танлов қуйи босқичларини белгиланган муддатда ва юқори савияда ўтказиш, барча бошланғич ташкилотлар иштирокини таъминлаш, улар фаолияти тегишли комиссиялар томонидан ҳаққоний ва холисона баҳоланиши, бунда ходимларнинг ижтимоий ҳимояси юзасидан эришилган натижаларга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади.

Ғолибликни қўлга киритган бошланғич ташкилотлар ижобий иш тажрибасини оммалаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш, фаолияти намунали деб топилган бошланғичлар базасида ҳудуддаги барча бошланғич ташкилотлар кадрлари ва фаоллари учун амалий ўқув-семинарларни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Албатта, кўрик-танловнинг қуйи босқичлари оммавий ахборот воситалари, веб-сайтларда кенг ёритилиши танловнинг оммавийлигига хизмат қилишини унутмаслигимиз даркор.

— Маълумки, самарали меҳнат муносиб рағбатлантирилиши лозим. Бу йилги ғолиб ва юқори натижаларга эришган бошланғич ташкилотларни тақдирлаш тартиби қандай?

— Кўрик-танловнинг ҳар бир босқичида ғолибликни қўлга киритган бошланғич ташкилотлар мазкур босқични ташкиллаштираётган касаба уюшма органлари томонидан белгиланган сарф-харажатлар сметаси доирасида рағбатлантирилади. Кўрик-танловнинг республика финал босқичи ғолиблари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши дипломи ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

Танловнинг якуний босқичи Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 23 йиллиги арафасида, Тошкент шаҳрида ўтказилади.

Ирисмуҳаммад
АБДУКАРИМОВ
суҳбатлашди

28 апрел – Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш куни

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ РАЁСАТИНИНГ 2015 ЙИЛ 5 ФЕВРАЛДАГИ ҚАРОРИ АСОСИДА ТАРМОҚ КАСАБА УЮШМАЛАРИДА “МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ БЎЙИЧА ЖАМОАТ НАЗОРАТИНИ ЭНГ ЯХШИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЮЗАСИДАН РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИ” ЎТКАЗИЛМОҚДА.

Ушбу танлов Энергетика ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши тизимида кўтаринки руҳда ташкил этилди.

НАВБАТ УЧИНЧИ БОСҚИЧГА

— Мазкур тадбир ходимларга соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратиш, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ҳамда касб касалликларининг олдини олиш, шунингдек, меҳнат муҳофазаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини таъминлашда касаба уюшмалари фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида ўтказилмоқда, — дейди тармоқ Республика кенгаши бош мутахассиси Равшан Қосимов. — Тадбир ҳамкор идоралар раҳбарлари ҳамда кенг жамоатчиликнинг эътиборини меҳнат муҳофазаси масалаларига қаратиш, ишлаб чиқариш маданиятини юксалтиришда қўл келаётганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Ғолибларни аниқлаш жараёнида комиссия аъзолари иш жойларининг санитар-гигиена талабларига қай даражада жавоб бериши, ишчи-хизматчиларнинг меҳнат муҳофазаси бўйича ўқитилиши ва йўриқномадан ўтказилиши, иш ўринларини шаҳодатлаш, ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиш масалаларига ҳар қачонгидан кўра жиддий эътибор қаратишди. Жамоатчилик асосида сайланган вакиллар фаолияти, ишчи-хизматчиларнинг махсус кийим-бош ҳамда пойафзал, шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланиши ҳам комиссия аъзоларининг диққат марказида бўлди.

Республика босқичида “Энг яхши корхона” номинациясида 1-ўрин “Муборак иссиқлик энергия маркази” акциядорлик жамиятига, “Энг яхши касаба уюшма қўмитаси” номинациясида эса ғолиблик “Сирдарё иссиқлик” электростанцияси” акциядорлик жамиятига насиб этди.

Неъмат РАФИҚОВ,
“Ishonch” мухбири



ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан ўтказилган кўрик-танловда ҳам ғолиблар аниқланди.

— Танловда туман ҳамда шаҳар миқёсида ғолиб чиққан 33 та корхона, ташкилот ҳамда муассасалар тақдим этган ҳужжатлар белгиланган номинацияларга кўра батафсил ўрганиб чиқилди, — дейди тармоқ Республика кенгашининг бўлим мудири Дамир Эрдашев. — Низом талаблари асосида маълумотларни таҳлил этиш чоғида меҳнат муҳофазаси юзасидан жамоатчилик назорати қандай ташкил этилганлигига асосий эътибор қаратилди. Шунингдек, жамоатчилик асосида сайланган вакилларнинг иш фаолияти жиддий таҳлил этилди.

“Энг яхши корхона” номинацияси бўйича биринчи ўрин Қашқадарё вилояти “Асака” давлат акциядорлик тижорат банкига, “Энг яхши касаба уюшма қўмитаси” номинацияси бўйича ғолиблик Фарғона вилояти Молия бошқармаси касаба уюшма ташкилотига насиб этди. “Энг яхши меҳнат муҳофазаси бўйича вакил” номинациясига инкассация хизмати Давлат унитар корхонаси Хоразм вилоят бошқармасининг меҳнат муҳофазаси бўйича вакили Сарвар Абдуллаев муносиб топилди.

Ғолиблар 3-босқичда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Ўз мухбиримиз

ҲИСОБОТ-САЙЛОВ

“Жиззахавтойўл” ҳудудий йўллардан фойдаланиш ташкилоти 2560 километрлик умумфойдаланувдаги автомобил йўлига хизмат қилади. Ҳар куни ва ҳар қандай об-ҳаво шароитида транспорт воситаларининг бетўхтов, хавф-хатарсиз ўтишини таъминлашдек масъулиятли вазифа зиммасига юкланган жамоада 1049 нафар касаба уюшма аъзоси бирдамликда меҳнат қилади.

ХОДИМ МАНФААТИ УСТУВОР

Бу эътироф ҳисобот-сайлов конференциясида ҳам ўз ифодасини топди. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, меҳнатга ҳақ тўлашни такомиллаштириш, қувватлардан самарали фойдаланиш, меҳнат муҳофазаси, ходимга муносиб иш шароити яратиш сингари масалаларда иш берувчи билан яқин ҳамкорлик туфайли ҳеч бир муаммо туғилмади. Ҳисобот даврида 167,8 километр масофадаги автомобил йўли қурилди ва таъмирланди. Замонавий техника ва технологияларнинг олиб келиниши меҳнат унумдорлигига ижобий таъсир кўрсатди.

— Жамоа шартномаси тузиш ва қабул қилишда ходимлар учун қўшимча имтиёз ва кафолатлар киритиш доим диққат марказимизда бўлди, — деди ҳисобот маърузасида касабақўм раиси Бектемир Худойбердиев. — Айниқса, ёшлар ва аёллар учун имтиёз кўзда тутилган алоҳида бўлимлар, ХМТнинг мамлакатимизда ратификация қилинган Конвенцияларига амал қилинишини таъминлашга қаратилган бандлар киритилгани айни муддао бўлди.

Ҳисобот даврида ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш, рағбатлантириш, қўшимча тўловларни жорий этиш, такомиллаштиришга алоҳида аҳамият берилди. Иш ҳақидан муддати ўтган қарздорликни бартараф этиш борасида касабақўм тегишли идораларга 216 та расмий талабнома билан чиқиб, 800 млн. сўмга яқин иш ҳақини ундириб берди. Камчиликларга йўл қўйган Арнасой, Бахмал, Ғаллаорол сингари туманлар корхона шохобчалари раҳбарларига нисбатан маъмурий жарималар қўлланилди.

Тизимдаги корхоналарда меҳнат муҳофаза қилиш жамғармалари ташкил этилиб, ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди. Жамоатчилик назорати комиссиялари ишлаб турибди. Зомин туман тармоқ корхонаси меҳнат муҳофазаси бўйича жамоат назоратини энг яхши ташкил этган жамоа сифатида республикадаги турдош корхоналар ўртасида бўлиб ўтган 2010 йилги кўрик-танловда учинчи ўринни эгаллаган бўлса, 2014 йили Жиззах туман корхонаси меҳнат муҳофазасида “Энг яхши корхона” номинацияси ғолиби бўлди. Зоминлик Ш.Йўлдошев республикамизда “Энг яхши меҳнат муҳофазаси бўйича вакил” дея эътироф этилди.

Маданий-маърифий ва спорт тадбирлари ўтказиш, ходимлар ва улар оила аъзоларини соғломлаштиришга эътибор кучайтирилди. Бунда аъзолик бадаллари билан бирга жамоа шартномасида акс этган хўжалик органлари ажратмаларидан унумли фойланишга эришилгани қўл келди.

Ҳисобот-сайлов конференциясида тафтиш комиссиясининг ҳисоботи ҳам тингланди. Музокарада сўзга чиққанлар касабақўмнинг ҳисобот давридаги фаолияти юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Конференцияда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раисининг ўринбосари А.Ихтиёров, Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари вилоят бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси А.Эргашевлар сўзга чиқди.

Абдуманноп АЗИМОВ,
“Ishonch” мухбири

АҲАМИЯТИ БЕҚИЁС



Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан ўтказилган танловнинг иккинчи босқичида манфаатдор ташкилотлар раҳбарлари ҳамда хавфсизлик техникаси мутахассислари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳакамлигида 32 та корхона ва ташкилот ходимлари куч синашди.

Натижаларга кўра, “Энг яхши корхона” йўналиши бўйича биринчи ўринни “Урганч ёғ-мой” АЖ, иккинчи ва учинчи ўринларни “Бухородонмаҳсулотлари” АЖ ҳамда “Оҳангарондон” АЖ қўлга киритишди.

Шунингдек, “Энг яхши касаба уюшма қўмитаси”, “Энг яхши меҳнат муҳофазаси бўйича вакил” номинациялари бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

Кўрик-танлов иштирокчилар ва ғолиблар танлов юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

— Бошланғич ташкилот билан ўрнатилган ҳамкорлик ишимизда яхши самара бераётир. Зеро, касаба уюшмалари билан мақсадимиз битта. Ишчиларга зарур даражада шарт-шароит яратиб бериш ва уларнинг соғлигини муҳофазалашдир, — деди “Урганч ёғ-мой” АЖ хавфсизлик техникаси бўлими бошлиғи Собир Абдуллаев.

— Танлов баҳонасида билим ва тажрибаларимизни янада бойитиш имконига эга бўлдик, — дейди “Шовотдонмаҳсулотлари” АЖ меҳнатни муҳофаза бўйича вакили Отабек Шержонов. — Зиммамизга юкланган масъулиятли вазифани бекаму кўст адо этишимизда бундай тадбирларнинг аҳамияти беқиёс.

Ғолибларга тармоқ Республика кенгашининг дипломи ва қимматбаҳо совғалари тақдим этилди.

Дилором АЛЛАҚУЛОВА,
“Ishonch” мухбири

2015-yil 28-aprel, seshanba, № 52 (3557), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz



Жасорат, бурч, матонат

МУНОСИБ ЭҲТИРОМ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

— Ҳукуматимиз томонидан биз, кексаларга кўрсатилаётган эҳтиромдан бағоят миннатдормиз, — дейди Абдураҳмон бобо. — Илоҳим, бизни қадрлаган, улуғлаган инсонларнинг ўзлари ҳам доим элимиз ардоғида бўлсин. Дунёда тинчликдан улуғ, хотиржамликдан азиз неъмат йўқ. Шундай дориламон кунларга етказгани, озод ва обод юртда яшаш насиб этганига шукр.

Шу куни Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Абди Абжалов хонадони ҳам байрамона кўриниш олди: отахонга эсдалик юбилей медали ҳамда пул мукофотлари топширилди.

Иккинчи жаҳон уруши фожиаларини бошидан кечирган Яхшимурод Бозоров 40 йил Термиз шаҳридаги 53-автобустаксомотор саройида меҳнат қилди. Умр йўлдоши Ойбиби момо билан 60 йил умргузаронлик қилиб, 8 нафар фарзандни тарбиялаб, элга қўшди. Бугун бобо фарзандлар билан бирга 38 нафар невара ва 15 чевара ардоғида кексалик гаштини сурмоқда.

— Юртимизнинг барча гўшаларида бўлгани каби Сурхон воҳасида ҳам уруш ва меҳнат фронти фахрийларига "Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги" эсдалик юбилей медали ва бир марталик пул мукофотларига қўшимча равишда вилоятимизда истиқомат қилаётган 195 нафар уруш ва меҳнат фронти фахрийларига Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳам 300 минг сўмдан, 13 нафар Ватан олдидаги шарафли хизмат вазифасини ўташ чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига 200 минг сўмдан манзилли ёрдами тақдим этилмоқда, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси Абдукарим Аҳмедов.

Рустам ДАВЛАТОВ,
"Ishonch" мухбири

ФАХРИЙЛАР ЭЪЗОЗДА

Кексаларни эъзозлаш йили касаба уюшмалари зиммасига ҳам катта маъсулият юклади. Соҳа ходимлари нуроний отахону онахонларга муносиб рағбат кўрсатиш, давлат ва касаба уюшмаларининг ушбу масалага йўналтирилган дастурлари ижросини таъминлаш мақсадида қизғин иш олиб бормоқда.

Жумладан Таълим, фан ва маданият ходимлари Бағдод тумани касаба уюшмаси кенгаши фаоллари таълим соҳасида узоқ йиллар меҳнат қилган фахрийлар ҳолидан хабар олиб, моддий ва маънавий рағбатлантиришни канда қилмаяпти. Бу борада туман халқ талими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими билан йўлга қўйилган ижтимоий шерикчилик қўл келаётир. Бўлим билан ҳамкорликда турли байрамларда кексалар ҳолидан хабар олиниб, улар учун маданий тадбирлар ташкил қилинди. Жорий йилнинг ўтган даврида саккиз нафар фахрий Фарғона водийсининг сўлим гўшаларидан Бир гуруҳ кексаларнинг Тошкент, Бухоро, Самарқанд шаҳарларига саёҳатлари уюштирилди.

— Касаба уюшмаси ташаббуси билан "Чимён" санаторийсида соғлигимни тиклаб қайтдим, — дейди туман таълим ходимлари Фахрийлар кенгаши раиси Тўлқинжон Каримов. — Сиҳатгоҳда яратилган шароитлар менга жуда ёқди. Шифокорлар замонавий тиббиёт ускуналари ёрдамида ҳатто бир неча йилдан сўнг вужудга келиши мумкин бўлган касалликларни ҳам олдиндан айтиб бериш имкониятига эга эканлигидан, тўғриси таскин топдим. Сиҳатгоҳда профилактик муолажалар олдим. Юртимизда кексалар учун кўрсатилаётган ғамхўрликдан миннатдорман.

Кўп йиллар таълим соҳасини ривожлантириш учун хизмат қилган Адҳамжон Жумабоев хотирасига бағишлаб, касаба уюшмалари томонидан ўтказилган футбол бўйича мусобақа, айтиш мумкинки, кексалар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда ўзига хос ўринга эга. Мусобақада марҳумнинг дўстлари, шогирдларидан иборат фахрийлар жамоасининг муносиб иштирок этгани барчани қувонтирди.

Ш.БОЙМИРЗАЕВ,
Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Боғдод туман кенгаши раиси

ҲАМИША АРДОҒИМИЗДА

Янгиер шаҳрида яшайдиган 80 нафар Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фронти фахрийлари ҳолидан хабар олиниб, совға-саломлар топширилди.

— Юртимизда биз, кексаларга катта эътибор кўрсатилмоқда, — дейди Исоқ бобо Норбеков. — Бундай эҳтиром бизни ёш авлод тарбиясида янада фаол бўлишга ундайди.

Анорбой НОРҚУЛОВ

***

Китоб тумани тиббиёт бирлашмасида ташкил этилган "Уч авлод учрашуви"да 162 нафар тиббиёт ходими қатнашди.

Тадбирда Кексаларни эъзозлаш йилида амалга оширилаётган ишларга батафсил тўхталиб ўтилди.

Маҳбуба Жамолова, Света Бакаева, Қўчқор Раҳимов каби фахрийларнинг ўтмиш ва бугунги тиббий хизмат даражаси, аҳоли саломатлиги йўлидаги хайрли ишлар, касб машаққати ва ҳалоати ҳақидаги фикрлари ёшларда катта таассурот қолдирди.

Маданий-маърифий тадбирда 100 нафар фахрийга туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитасининг совғалари топширилди.

Ўз мухбиримиз

Президентимизнинг 2015 йил 26 мартдаги "Умумхалқ байрами — Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Фармойиши уруш қатнашчилари ва меҳнат фронти фахрийларига кўтаринки руҳ бахш этди. Уларнинг ҳолидан хабар олиш, қутлуғ айём билан муборакбод этиш хайрли анъанага айланди.

ШУКУҲ

Уруш фахрийси, юрт равнақига муносиб ҳисса қўшган Раиса Петухованинг бир қувончига ўн қувонч қўшилди. Унинг хонадонига Навоий вилояти ҳокими Эркинжон Турдимов бошчилигида бир гуруҳ давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ташриф буюришди. Президентимиз Фармойишига кўра 700 минг сўм, касаба уюшмалари тизимидан 300 минг сўм пул уруш ва меҳнат фахрийсига тантанавор топширилди. Анвойи гуллар, рангли телевизор, озиқ-овқат жамланмаси тақдим этилди.

— Мен урушнинг дастлабки кунлариданоқ фашистлар босқини жабрини кўрган ўлкаданман, — дейди бу йил 95-баҳорни қаршилаган Раиса Петухова. — Ўша пайтда вояга етмаган қизалоқ эдим. Аёллар билан бирга бизларни ҳам концлагерга ташлашди. Тутқинлик азоб-уқубатларини тасвирлашга тил ожиз. 1943 йилнинг охирларига келиб, биз яшаётган ҳудуд душмандан озод қилинди. Шундан кейин мен ҳам ватан ҳимоячилари сафига қўшилиб, душман истеҳкомларини йўқ қилишда фаол иштирок этдим.

Навоий шаҳридаги "Янгиариқ" маҳалласида яшовчи уруш қатнашчиси Ҳаким ота Ҳалимов ҳам урушнинг охирги кунигача жанг майдонида жон олиб жон берганлардан бири.

— 1939 йилда ҳарбий хизматга чақирилгандим, — дейди у. — Шу-шу 1945 йилнинг 9 майигача турли фронтларда жанг қилдим. Сўнг Узоқ Шарққа сафарбар қилишди. Жангда оёғимдан қаттиқ яраландим. Дала шароитида оёғимни операция қилишнинг имкони йўқ эди. Жароҳат қорасонга айланмаслиги учун оёғимни болта билан чопиб ташламоқчи ҳам бўлишди. Бир амаллаб госпиталга етиб борганимдан кейингина омон қолишимга ишондим. Мана, Яратган инъом этган иккинчи ҳаётим билан дориламон кунларгача етиб келдим.

Шу куни вилоят ҳокими бошчилигидаги гуруҳ карманалик уруш қатнашчиси Қодир Мардонов, нуроталик Турсунқул Эргашев хонадонларида ҳам бўлишди. Мезбонлар ташрифдан бошлари осмонга етиб, инсон қадрини улуғлашни қутлуғ таомилга айлантирган Юртбошимизни дуо қилиб, халқимизга тинчлик-осойишталик тилашди.

Вилоятда ҳаёт нашидасини сураётган 116 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчисининг барчаси ана шундай йўқлов ва қўллаб-қувватлашдан бахраманд бўлишди.

Бундай иззат-икром 2242 нафар меҳнат фронти фахрийлари ҳамда 28 нафар 100 ёшдан ошган нуроний отахон ва онахонларга ҳам кўрсатилди.

Шуҳрат РАҲИМОВ,
Навоий вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари.
Мансур АЛОВУДДИНОВ,
"Ishonch" мухбири

МЕҲР ОҒУШИДА

Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб Андижон вилоятида касаба уюшма ташкилотлари томонидан "Жасорат, бурч, матонат" шиори остида турли тадбирлар ташкил этилмоқда.

— 219 та корхона, ташкилот ва муассасада Ватанимиз озодлигини таъминлаш, обрў-нуфузини юксалтириш ҳамда мустақиллигимизни мустаҳкамлашга бемисл ҳисса қўшган уруш ва меҳнат фахрийлари билан учрашув ва давра суҳбатлари маҳалласида истиқомат қилувчи 92 ёшли Ортиқбой ота Ўринбоев. — Уруш даҳшатини биз кўрдик, фарзандларимиз ва набираларимиз асло кўрмасин.

Шунингдек, касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда ишлайдиган пенсионерларнинг 6 нафари бепул, ишламайдиган 42 нафар фахрийлар фарзандлари ишлайдиган жойлардан имтиёзли йўлланмалар орқали соғломлаштирилди.

45 нафар уруш ва меҳнат фахрийсининг Қўқон шаҳрига ҳамда буюк алломалар қадамжолари, тарихий шаҳарларга саёҳатлари уюштирилмоқда.

"Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури доирасида жамоа шартнома ва келишувлари орқали "Ҳар бир инсон меҳр-эътибор оғушида" шиори остида кексаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, дори-дармонлар билан таъминлаш, коммунал хизматлар ҳаражатларини қоплаш, уй-жойларини таъмирлаш, соғломлаштириш ҳамда саёҳатлар уюштириш каби тадбирларга касаба уюшма ташкилотлари томонидан 106,3 млн. сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди.

Бундан ташқари, ҳозирда нафақада бўлган фахрийларни бошланғич касаба уюшма ташкилотлари томонидан театр, концерт ва бошқа маданий-маърифий тадбирларга жалб этиш ишлари олиб борилмоқда.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан Андижон шаҳрида жойлашган "Саховат" кексалар интернат-уйида яшовчи қариялар ҳолидан хабар олиниб, улар учун маданий тадбирлар уюштирилди ҳамда қимматбаҳо совғалар тақдим этилади.

Ҳозирда нафақада бўлган 400 нафар фахрийга байрам совғалари тақдим этилиб, улар учун вилоят мусиқали драма ва комедия театрида "Дилдан кетмас наволар" деб номланган мақом кечаси ташкил этиш мўлжалланган.

Шунингдек, вилоятдаги меҳнат жамоаларида фахрийлар ўртасида шахмат, шашка, стол тенниси, бадминтон бўйича спорт мусобақалари ҳамда ёшлар ўртасида Хотира турнирлари ўтказилиши режалаштирилган. Ҳозирга қадар "Уз-Тонг-Хонг-Ко", "Уз-Донг-Ян-Ко", "Уз-Донг-Жу-Пейт-Ко", "GM-Uzbekiston", "Уз-Сем Юнг-Ко", "Ўзбекистон почтаси" Андижон филиали, "Андижонтелеком" каби 200 дан зиёд корхона, ташкилот ва муассасаларда шундай тадбирлар ўтказилди.

Ҳамидулло МАТИСАЕВ

ОСОЙИШТАЛИК ШУКРОНАСИ

Дунёда қадрдан гўзал туҳфа бўлмаса керак. Хизмат тақозосига кўра кўплаб юртдошларимиз билан учрашар эканмиз, бу ҳақиқатни такрор ва такрор англаяпмиз. Айниқса, "Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 70 йиллиги" эсдалик юбилей медалини тантанали топшириш маросимларида ўша давр азоб-уқубатларини бошдан кечирган инсонлар шукронасидан кўнглимиз жунбушга келмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири Норин туманида бўлиб ўтди.

Тадбирда ота-боболаримизнинг беқиёс жасорати, матонати ва меҳнат фронтидаги фидойилиги ҳақида сўз юритилди. Улар босиб ўтган ҳаёт йўли бугунги авлод учун катта тарбиявий аҳамиятга эга эканлиги алоҳида таъкидланди.

Шундан сўнг эсдалик юбилей медаллари, шунингдек, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан 300 минг сўмлик пул мукофотлари ҳам топширилди.

— Бугун биз кексаларга кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрликдан кўнглимиз тоғдек кўтарилмоқда, — дейди Чўжа қишлоғида истиқомат қилувчи уруш фахрийси, 91 ёшли Усмонали ота Аҳмедов .— Бу мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик шарофати эканлигини кўриб турибмиз

"Бек" мажмуасида давом этган тадбирда нуронийларга яна бир бор иззат-ҳурмат кўрсатилди. Янграган куй-қўшиқлар даврага файз киритди.

Акром АҲМАДАЛИЕВ,
Наманган вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ташкилий ишлар бўлими мутахассиси

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент вилоят ҳудудий бошқармаси, "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ бошланғич нарх босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари тақроран қўйилади:

1. Бўстонлиқ тумани ҳокимлиги тасарруфида бўлган Бўстонлиқ туманида жойлашган "Малика" дам олиш маскани.

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи ва шартлари:

- ер участкасининг умумий майдони 6,8 га;
- қурилиш остидаги участка майдони 950,30 кв.м.;
- энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;
- сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.

Бошланғич нархи — 1 793 936 000 сўм.

Балансда сақловчи: Бўстонлиқ туман ҳокимлиги.

Фаолияти ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

2. Бўстонлиқ тумани ҳокимлиги балансидаги Бўстонлиқ тумани Бўстонлиқ Қ.Ф.Й. ҳудудида жойлашган "Ўзэлектромонтаж" ОАЖ дам олиш маскани.

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи ва шартлари:

- ер участкасининг умумий майдони 5,8007 га;
- қурилиш остидаги участка майдони 2809,35 кв.м.;
- энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;
- сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.

Бошланғич нархи — 2 438 173 000 сўм.

Балансда сақловчи: Бўстонлиқ туман ҳокимлиги.

Фаолияти ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

3. Янгийўл тумани давлат солиқ инспекцияси тасарруфидаги Янгийўл тумани, Ш.Рашидов кўчаси, 1-уй манзилида жойлашган солиқ инспекциясининг фойдаланишда бўлмаган маъмурий биноси.

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи ва шартлари:

- ер участкасининг умумий майдони 0,220 га;
- қурилиш остидаги участка майдони 900,37 кв.м.;
- энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;
- сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.

Бошланғич нархи — 3 240 409 517 сўм.

Балансда сақловчи: Янгийўл тумани давлат солиқ инспекцияси.

Фаолияти ихтисоси: Солиқ тизими.

Савдо ташкилотчиси: "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-"А"уй. Тел/факс: (0-371) 228-84-48, веб сайт; www.1kms.uz. электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR 0001.

Аукцион савдоси 2015 йил 7 май куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-"А"уйда ўтказилади.

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2015 йил 21 май, 4-, 18-, июн, 2-, 16-, 30 июл, 13-, 27 август, 11-, 25 сентябр, 12-, 26 октябр кунлари, соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошлангич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: «Ипак йўли» АИТБ Сағбон филиали, х/р: 20208000904920609114; МФО: 01036; СТИР: 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

- юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;
- жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;
- аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1"А"-уй.

Маълумотлар учун телефонлар: (0-371) 228-84-48. Факс: (0-371) 228-80-23.

Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб сайт; www.1kms.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Хурматли тадбиркор ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жарёнида қонун билан кўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 рақамли "Ишонч телефони"га зудлик билан хабар беришингиз сўралади!

Савдоларга марҳамат қилинг!

Хизматлар лицензияланган.

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Шўрчи туман кенгаши раиси Эшмурод Худоёровга онаси

Ойсоат момо ХУДОЁРОВАнинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

“КАСАБА-ТУР” ВЕЛОМАРАФОНИ

ХОДИМЛАР САЛОМАТЛИГИ — БИРЛАМЧИ ВАЗИФА

“Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастурида белгиланган тадбирларни ҳаётга татбиқ этиш, ходимлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, спорт-соғломлаштириш тадбирлари орқали оммавийликка кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан ташкиллаштирилаётган “Касаба-тур” веломарафонининг туман ва шаҳар босқич мусобақалари қизғин паллага кирди. Мусобақаларда 20-35 ёшли ҳаваскор велоспортчилар 10 километр, 35 ёш ва ундан катталар эса 5 километр масофада ўз омадларини синаб кўрмоқдалар.

Спорт нафақат танани, балки қалбни ва ундаги гўзал сифатларни ҳам чиниқтиради.

Кейинги йилларда меҳнаткашлар учун жамоаларда яратилаётган шароит сабаб спортнинг кўплаб турлари билан мунтазам шуғулланаётганлар сони ортиб бормоқда.

Ҳар йили касаба уюшмалари аъзолари ўртасида веломарафон ўтказилиши яхши анъанага айланди. Мазкур мусобақа Наманган вилоятида ҳам уюшқоқлик билан ўтказилмоқда.

— Веломарафонда касаба уюшмалари тармоқ шаҳар кенгашларидан жами 180 нафар ҳаваскор велоспортчи иштирок этди, — дейди Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Наманган шаҳар кенгаши раиси М.Ғаффарова. — Мусобақа якунига кўра эркаклар ўртасида биринчи ўринни 59-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Ғуломжон Тожибоев, аёллар ўртасида эса биринчи ўринни 34-Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ходими М.Қодирова эгаллади ҳамда вилоят босқичи йўлланмасини қўлга киритди.

Ўз мухбиримиз



***

Шаҳрисабз тумани марказидаги “Ҳисор” ўйингоҳида ходимлар ўртасида “Касаба-тур” веломарафонининг туман босқичи бўлиб ўтди.

— Велоспорт баҳсларида илк бор қатнашдим, — деди мусобақа ғолибларидан бири Барно Оролова. — Масъулият ҳисси ва пухта ҳозирлик қўл келди. Вилоят босқичига чиққанимдан хурсандман. 15-умумтаълим мактабида спортга қизиқмаган ходимнинг ўзи йўқ. Ҳамкасбим Зафар Саидов ҳам бугунги баҳсларда яхши қатнашди.

— Ёшим 56 да, — дея суҳбатга қўшилди Эркин Ботиров. — Қаерга бормай, велосипеддан фойдаланаман. Икки ўғлим ҳам велоспорт ишқибози. Қаерда бўлмай, бу тежамкор техниканинг афзалликларини тарғиб этиб келаяпман. Биринчидан, ўзингизни кўпгина касалликлардан асрайсиз. Иккинчидан, оилангизда соғлом турмуш тарзи шаклланади.

— Бу йилги баҳсларда “Марс электроникс” корхонаси, “Миллий банк”нинг Шаҳрисабз туман филиали, туман ҳокимлиги, туман давлат солиқ инспекцияси ҳамда “Қозигузар”, “Ипак йўли”, “Синабоғ”, “Уйчилик”, “Пиллакаш” маҳаллалари спортсеварлари фаоллик кўрсатди, — деди Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши раиси Роҳила Эшалиева. — Айниқса, иштирокчилар орасида хотин-қизларнинг кўпаяётгани қувонарли.

— Ўзим тиббиёт ходими бўлганим учун велосипед ҳайдашнинг инсон саломатлиги учун қанчалик фойдали эканини яхши биламан, — деди ҳамшира Сервиназ Умирова. — Мусобақани юқори савияда ташкил этган ташкилотчилар миннатдормиз.

***

Мусобақанинг Китоб туман босқичида 100 нафардан зиёд ҳаваскор қатнашди.

— Кўп йиллардан буён касаба уюшмалари томонидан ўтказиладиган спорт мусобақалар иштирокчисиман, — деди Гулноза Худойзодова. — Ёшим 39 да. Уч нафар фарзандимиз бор. Икки қизимни турмушга берганман. Худога шукр, бизнинг оилага касал бўлиш бегона. Иш жойимдаги шароитларга тўхталсам, Китоб туман туғруқ мажмуасида волейбол, стол тенниси, шахмат, шашка спорт турлари билан шуғулланишга етарлича имконият бор. Мажмуа бош шифокори Мавлуда Каримованинг спортга бефарқ эмаслиги ходимлар манфаатига хизмат қилмоқда.

— Ўтган йилги веломарафонда иккинчи ўриндан жой олгандим. Бу йил тайёргарликни кучайтирдим ва туман босқичида ғолиб чиқишга муваффақ бўлдим, — дейди Жайрахона ижтимоий-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси Шаҳло Юсупова. — Жайрахона қишлоғи Китоб туманининг тоғли ҳудудида жойлашган. Касаба уюшмаларининг ташаббуси билан чекка-чекка қишлоқларда ҳам велоспорт аҳолининг севимли машғулотларидан бирига айланиб бормоқда. Энди баҳсларнинг вилоят ва республика босқичларида ҳам фаол қатнашишга, ғолиб бўлишга ҳаракат қиламан.

Акмал АБДИЕВ,
“Ishonch” мухбири

***

Веломарафон Сирдарё вилоятида ҳам уюшқоқлик билан ташкил этилмоқда.

— Мусобақада иштирок этувчилар сони бир неча баробарга кўпайгани кўзга ташланади. Айниқса, ёшларнинг фаоллиги таҳсинга лойиқ. Бу кўрсаткичда, албатта, вилоят Ёшлар кенгашининг муносиб улуши бор, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири Ҳайрулла Аминов.

Мирзаободлик таълим, фан ва маданият соҳаси ходимлари “Деҳқонобод” маҳалласида ташкил этилган веломарафоннинг иккинчи босқичида фаоллик кўрсатишди.

— Ушбу мусобақа кўпчиликнинг кўнглидаги тадбир бўлмоқда. Турли касб эгалари беллашиб, соғлиғини мустаҳкамлаяпти. Бундан ташқари, велоспортнинг оммавийлиги ҳам ортиб



бормоқда, — дейди Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Мирзаобод туман кенгаши раиси Б.Аҳроров.

***

Эътироф этилганидек, веломарафонга қизиқиш Таълим, фан ва маданият ходимлари орасида, айниқса, юқори бўлмоқда. Мусобақанинг шаҳар босқичи Гулистондаги Марказий ўйингоҳда ўтказилди. Унда 28 та ташкилотдан 1-босқичда ғолиб чиққан 25 нафар ходим иштирок этди.

— Ходимларнинг саломатлиги касаба уюшмаларининг доимий эътиборида. Чунки, ходим соғлом бўлса, иш унумдорлиги ортади, жамоада ҳамжиҳатлик ҳукмронлик қилади, — дейди Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Гулистон шаҳар кенгаши раиси Ф.Таштанов.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
“Ishonch” мухбири

***

Таълим, фан ва маданият ҳамда Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналари ходимлари касаба уюшмаси Яшнобод туман кенгашлари, Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ҳамкорлигида 244-умумтаълим мактабида веломарафон ўтказилди. Мусобақада туман-даги 61 та корхона, ташкилот ва муассасалардан 72 нафар иштирокчи ғолиблик учун кураш олиб борди.

— Веломарафоннинг анъанавий тус олиши — ходимлар ўртасида соғлом турмуш тарзининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилиши шубҳасиз. Бугунги мусобақада ёшу қари бирдек беллашгани, айниқса қувонарли, — дейди Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши раиси Алия Измаилова.

— Касаба уюшмалари томонидан велоспортни оммавийлаштириш йўлида амалга оширилаётган ишни қизғин қўллаб-қувватлайман. Чунки, велосипед ҳайдаган одамнинг танаси бақувват, руҳи тетик бўлади. Айниқса, қариганда бу спорт тури билан шуғулланиш жуда фойдали, — дейди мусобақа ғолиби 231-умутаълим мактаби вакиласи Латофат Деҳқонбоева.

Шунингдек, “Касаба-тур” веломарафонининг иккинчи босқичи Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси тасарруфига кирувчи барча тармоқларда, Олмазор, Миробод, Чилонзор, Шайхонтоҳур, Юнусобод, Бектемир, Учтепа, Мирзо Улуғбек, Яккасарой, Сергели туманларида ҳам уюшқоқлик билан ташкил этилди.

***

Барча мусобақаларда ғолиб ва совриндорларга ташкилотчилар томонидан диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди. Шунингдек, “Энг ёши улуғ пойгачи”, “Энг фаол аёл пойгачи”, “Энг маҳоратли пойгачи”, “Ғалабага бўлган интилиши учун”, “Энг ёш пойгачи” номинациялари ғолиблари муносиб рағбатлантирилди.

Адҳам АРСЛОНОВ,
“Ishonch” мухбири

МАЪНАВИЯТ СОАТЛАРИ

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан “Ўзбекистоннинг Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабага қўшган ҳиссаси” мавзусида Маънавият соати ўтказилди.

ДОРИЛАМОН КУНЛАР ҚАДРИ

Тошкент давлат аграр университети профессори, тарих фанлари доктори Нуриддин Мусаев ўз маърузасида Иккинчи жаҳон уруши инсоният тарихида энг катта талофат келтирган фожиа бўлганлиги, унда ўзбекистонликлар кўрсатган



мардлик ва жасорат, фронт ортини мустаҳкамлашда қўшган беқиёс ҳиссаси ҳақида мушоҳадага чорловчи кўплаб факт ва рақамларни келтириб ўтди.

Шунингдек, Президентимиз ташаббуси билан юртимизда Хотира ва қадрлаш куни умумхалқ байрами сифатида 1999 йилдан буён нишонланаётгани, мамлакатимизда кексаларни қадрлаш ва эъзозлашга катта эътибор қилинаётгани, уруш ва меҳнат фахрийларининг матонат ва фидойиликлари, тинчлик қадрига етиш, мамлакатимизни кўз қорачиғидек асраш қанчалар муҳим эканлиги алоҳида таъкидланди.

С.АБДУРАҲМОНОВ

ТАРИХСИЗ КЕЛАЖАК ЙЎҚ

Сирдарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида “Тарихсиз келажак йўқ” мавзуида Маънавият соати ўтказилди.

Гулистон давлат университети доценти, фалсафа фанлари номзоди Равшанбек Маҳмудов ўз маърузасида юртимизда кексаларга кўрсатилаётган алоҳида эътибор ва ғамхўрликлар ҳақида кўплаб маълумотларни келтирди. Иккинчи жаҳон урушининг фожиалари бугунги осойишталик қадрига етишга даъват этаётганига урғу бериб, бу борада кексалар ҳар жиҳатдан ибрат бўлаётганини таъкидлади.

Ўз мухбиримиз

ТАНЛОВ

БЕҒУБОР НАВОЛАР

Болаликнинг тонгдек покиза, қуёшдек порлоқ дамларини куй-қўшиқларсиз тасаввур этиш қийин. Бундай қўшиқлар тилдан дилга кўчган сайин қадри ҳам ортиб бораверади. Бир умр ёдда қолгувчи оромгоҳ қучоғида куйланган қўшиқларнинг соғинчи эса бола кўнглини энтиктирмай қўймайди. Мустақил диёр қучоғида кечаётган шодон болаликни қалбларга муҳрловчи тароналарга бугун ҳар қачонгидан-да эҳтиёж юқори.

Ўтган ҳафтада касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими вазирликлари, Ўзбекистон Ёзувчилар, Бастакорлар уюшмалари, Миллий телерадиокомпания ҳамда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ҳамкорлигидаги болалар қўшиқлари, шеърлари ва куйларини яратиш бўйича республика ижодий танловининг Наманган вилоят босқичи ўтказилди.

Танловда вилоятдаги бастакорлар, шоирлар, болалар ижодий жамоалари, мусиқа ва санъат мактабларидаги 100 нафардан зиёд ижодкор иштирок этди. Айниқса, Янгиқўрғон, Поп, Учқўрғон, Норин туманларидан келган ижодкорларнинг чиқиши олқиш билан кутиб олинди.

6 ёшдан 14 ёшгача бўлган болаларга мўлжаллаб ёзилган энг яхши шеър йўналишида Янгиқўрғон туман 17-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқитувчиси Ҳакима Қодирова ғолибликни қўлга киритди. Қўшиқ учун яратилган энг яхши мусиқа йўналишида биринчилик Поп туман 7-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқитувчиси Зокиржон Раҳимовга насиб этди. Энг яхши қўшиқ ижрочиси йўналишида ҳам мазкур мактаб ўқувчиси Шаҳноза Собирова, энг яхши болалар оромгоҳи мадҳияси йўналишида ҳам шу мактабнинг “Шодиёна” гуруҳи биринчи бўлди. Энг яхши ҳисоб шеъри ва машқ қўшиғи йўналиши бўйича ижрочиликда Янгиқўрғон туман 17-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчилари жамоаси устунликка эга бўлди.

— Бизга билдирилган ишончни, насиб этса, республика босқичида муносиб иштирокимиз билан оқлаймиз, — дейди энг яхши қўшиқ ижрочиси Шаҳноза Собирова. — Бугунги янграган ҳар бир қўшиқ тенгдошларимиз, ука-сингилларимизнинг доимий ҳамроҳига айланишини истардим. Чунки, қўшиқ ва куй садолари остидаги болалик гашти бўлакча.

Танлов ғолиблари вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланиб, пойтахтда бўладиган якуний босқичда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Дилдора РАҲМОНОВА,
“Ishonch” мухбири

ТАДБИР

Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф ноёб истеъдод эгаси эди. Юртимизда шоирни билмаган, шеърларини ўқиб, завқланмаган киши бўлмаса керак. Иқтидорли ижодкор қисқа умр кўрган бўлса-да, чақмоқдек чақнаб, мухлис ва ўқувчилари қалбидан чуқур жой олган.

ШЕЪРЛАРИДА БАРҲАЁТ

Ўқув даргоҳимизнинг адабиёт хонасида Муҳаммад Юсуф ижоди билан боғлиқ бурчак ташкил этилган бўлиб, уни фотоалбом, буклет ва стенд, янги адабиётлар билан бойитиб бораяпмиз. Яқинда шоир таваллуд куни муносабати билан “Шеърларида барҳаёт юрт ўғлони” мавзусида адабий кеча ўтказилди. Тадбирда “Ёш адабиётшунослар” тўгараги аъзоларидан Лазиза Арслонова, Мадина Худойқулова, Умид Эркинов ва Шоира Ҳусановалар шоир ижодидан намуналар ўқишди. Кеча сўнггида “Онаизор” номли саҳна кўриниши намойиш қилинди.

Дилором КЎЧИМОВА,
Жиззах туманидаги
1-умумтаълим мактаби
ўқитувчиси

ЖАМИЯТ ВА ШАХС

ОИЛА — МУҚАДДАС ҚЎРҒОН

Мамлакатимизда оилани шакллантириш, айниқса, ёш оилаларни мустаҳкамлаш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш устувор вазифалардан бирига айланган. Бу борада туманимизда ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир. ФҲДЁ бўлимимиз қошида никоҳланувчи шахслар учун “Оила дорилфунуни” ўқув машғулотларини ташкил этганмиз. Машғулотлар ойда 2 марта ўтказилади.

Бундан ташқари, касб-ҳунар коллежлари юқори босқич ўқувчилари иштирокида ойда бир марта “Ёш оила қурувчилар мактаби” машғулотлари ташкил этилади. Уларда тиббиёт, халқ таълими, хотин-қизлар қўмитаси ва касаба уюшма ходимлари, шунингдек, ибратли оилалар вакиллари ҳам фаол қатнашмоқда. Тадбирлар доирасида ёшларнинг соғлом камол топиши, пухта билим олиши ва касб сирларини мукаммал эгаллаши, жамиятда ўз ўрнини топиши, кўрсатилаётган ғамхўрликка жавобан муносиб инсон бўлиб етишиши борасида зарур тушунча ва маслаҳатлар берилаётир.

Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан белгиланган тадбирларда намунали ҳаёт йўлини босиб ўтган отахон-у онахонлар билан учрашувлар ёшларда катта таассурот қолдирмоқда. Масалан, Кумушкент ҚФЙнинг Кўчкиработ қишлоғида яшаётган, 90 ёшдан ошган Сайфи бобо Ғафуров ва унинг турмуш ўртоғи Фароғат момо Сайфиева 60 йилдан ортиқ баҳамжиҳатликда яшаб келмоқдалар. Оилада камол топган 12 нафар фарзанднинг барчаси олий маълумотли, халқ ўртасида муносиб ҳурматга эга.

Шунингдек, Нарзулло Файзиев, Ғаффор Сатторов, Жўра Жумаев, Мансур Абдулин сингари ҳаёт машаққатларида матонат кўрсатган табаррук инсонлар оилалари ҳам кўпчиликка ибрат бўлмоқда, ёшларга намуна мактаби вазифасини ўтамоқда.

Айтиш жоизки, туманда 2014 йилда 2785 та туғилиш, 1352 та никоҳ қайд этилган бўлса, жорий йилнинг биринчи чораги якунлари бўйича 561 та туғилиш, 307 та никоҳ рўйхатга олинган. Рақамлар таҳлили шуни кўрсатадики, ҳамкорликдаги ҳаракатларимизнинг ижобий салмоғи ошмоқда. Бу эса муқаддас қўрғон саналмиш оилаларнинг истиқболидан нишонадир.

Нусратулло ЖАҲОНОВ,
Вобкент туман ФҲДЁ
бўлими мудири

САНЪАТ ҒУНЧАЛАРИ

Навоий кон-металлургия комбинатида меҳнаткашлар ва улар оила аъзоларининг маданий ҳордиқ чиқариши, санъат соҳасидаги қобилиятини ривожлантириши учун барча шароит яратилган. Комбинат тасарруфидаги маданият кошоналарида 5 минг нафардан ортиқ ижодкор ёшлар ўз иқтидорини юзага чиқаришмоқда. Ҳар йили анъанавий тарзда ташкил этилаётган “Қизилқум санъат ғунчалари” кўрик-фестивали ана шу эзгу мақсадга хизмат қилаётир.

ИСТЕЪДОД САРЧАШМАСИ

Навоий шаҳридаги “Фарҳод” маданият саройида ўтган бу йилги кўрик-фестивалида умид билан катта саҳнага қадам қўйган бирорта истеъдод соҳиби эътибордан четда қолмади, рағбат топди.

“Оркестр, чолғучилар ансамбли ва чолғу ижрочилиги” йўналиши бўйича “Фарҳод” маданият саройининг “Ниҳол” ўзбек миллий чолғу оркестри, “Дуэт” ва “Вокал” ансамблари ўртасида “Современник” маданият уйи “Аккорд” вокал гуруҳи, якка вокал ижрочилигида “Фарҳод” маданият саройи хонандаси Жамшид Адизов “Гран-при” совриндорлари бўлишди.

“Оркестр, чолғу асбоблари ансамбли”, “Якка вокал ижрочилиги”, “Фолклор-этнографик бадиий жамоалар”, “Замонавий рақс”, “Миллий рақс” йўналишлари ҳамда “Энг яхши бадиий раҳбар”, “Энг яхши саҳналаштирилган рақс учун” номинациялари бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

Юртимизда “Энг яхши маданият муассасаси” дея эътироф этилган ушбу маданият саройида ўтган тадбир иштирокчилар қалбига ўзгача завқ-шавқ бахш этди.

Мансур АЛОВУДДИНОВ,
“Ishonch” мухбири

MUASSIS: O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro‘yxatga olingan.

Bosh muharrir v.b.
Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay’ati:
Abdulaziz Abdullayev, To‘lqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug‘bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O‘rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamadjanov *(bosh muharrir o‘rinbosari)*, Akmal Toshev

BO‘LIMLAR:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma’naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va e’lonlar — 256-87-73

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko‘chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma’lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko‘rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

HUDUDLARDAGI MUXBIRLAR:
Qoraqalpog‘iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-94) 418-67-49
Navoiy — (+998-94) 228-13-00
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Samarqand — (+998-93) 352-50-87
Sirdaryo — (+99890) 999-58-30
Surxondaryo — (+998-95) 502-68-99
Farg‘ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir: A.Toshev
Navbatchi: N.Mahamov
Musahhih: N.Choriyev
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti — **21:10**
Topshirildi — **22:00**
1 2 3 5 6

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uy.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma Г — 415.
19386 nusxada bosildi.
Nashr ko‘rsatkichi: 133